

ISSN 2181- 6875

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA
STATE UNIVERSITY**

2013/2(50)

MUNDARIJA

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Raxmonov A.A., Turdiyev H.H. Xususiy integrallri operatorlarning xos funksiyalari haqida.....	1
Таджикоджаев З.А., Бахрамов Ҳ.Қ., Фозилов С.Ф., Хамидов Б.Н., Мавланов Б. Куйи молекулалари полизтилен асосида тургунлаштирувчи кўндирилмалар олиш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш.....	7
Hasanov I.S., Qo'chqorov J.J., Hasanov U.I. Buxoro viloyatida yer tekislagichlarga bo'lgan talab.....	11
Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р. Катта кўнғир (podiceps cristatus, L) нинг айрим этологик ва биологик хусусиятлари.....	14
Зарипов Г.Т. Функциональный напиток «Касар» на основе растительного сырья.....	19
Норбоева У.Т., Холлиев А.Э. Стресс омиллар ва гўза навларининг айрим физиологик кўрсаткичлари.....	22
Авлиякулов Н.Н., Бокиева Д.К., Жўраев С.О. Влияние изменения свойств грунтов на эксплуатацию подземных магистральных трубопроводов в сейсмических районах.....	29
Суюнов У.У., Курбонов М.Т., Бешимов Ю.С., Акрамова О.Қ. Иккиласмич маҳсулотлар озуқавий бирлигини ошириш йўллари.....	33
Mo'minov B.B., Karimov F.R. Shaxsiy elektron ensiklopediya.....	36

• TILSHUNOSLIK

Абузалова М.К. Ўзбек тилида қўлланиладиган гаплардаги умунийлик.....	40
Muzaffar R.M., Nodira A.I. The usage of "OK".....	44
Хажиева Ф.М. Ирвинг Стоуннинг "Ҳаёт иштиёқи" асарида психологиям таҳлили.....	47
Шадманов К.Б., Шукрова М.А. К вопросу об источниках и нормах нравственности в Англии XVI-XVII веков.....	51
Ачилова Д.К. Тархимада адаб услубини саклаш муаммоси (Стендалнинг «Парма ибодатхонаси» романни таржимаси мисолида).....	55

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Адизова О.И. Азиз Қаюмов – Қўқон адабий муҳити тадқиқотчиси.....	57
Murodov G.N., Sayliyeva Z.R. Navoiy ijodida Xuroson va Hirot tasviri.....	61
Ахмедова Ш.Н. Алишер Навоий ва Ойбек: Қуёш ва Ойга муҳаббат талқини (Профессор Н.Каримовнинг 80 йиллигига).....	64
Тоҳиров С.Қ. Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аббор" достони нашрларидағи айрим муаммолар хусусида.....	70
Жабборов И.Ш. Шеъриятда тарих тасвири.....	73
Мадаев О., Джуракулова Г.Ш. Ҳалқ оғзаки ижодидаги жанрлараро муносабат.....	76

• NAVOIY GULSHANI

Эшонқулов Ҳ.П. Бўл аҳли дунё бирла дўст.....	79
--	----

• FALSAFA VA HUQUQ

Сайфуллаева Д.К. Абу Хамид Газали о нравственном облике человека.....	81
---	----

• TARIXSHUNOSLIK

Орзиев М.З. Бухоро амирлигининг нашриёт ва босмахона ишлари хусусида (1917-1918 йиллар).....	85
--	----

Жумаева Н.А. Бухоро деҳқончилигининг хўжалик йўналишлари тарихидан (XIX аср охири XX аср бошлари).....	89
--	----

Ҳамроев А.Ҳ. В.В.Бартольд тадқиқотларида Бухоро шаҳри тарихий топографиясининг тадқиқ этилиши.....	93
--	----

Tojixo'jayev A.Z., Isomov S.A. O'zbek davlatchiligi tarixida soliq tizimi: vorisilik va zamonaviyilik.....	98
--	----

Махмудова Н.Б. Сенатор царской России в Бухаре.....	103
---	-----

Бобоҷонова Ф.Ҳ., Бобоҷонов Ш.У. Бухоро амирлигидаги анъанавий мактабларда таълим тизими (XIX аср охири XX асрнинг бошлари).....	107
---	-----

Ҳайтова Н.З. БХСР ҳукуматининг соглиқни саклаш соҳасидаги фаолияти (1920-1924 йй).....	119
--	-----

Ҳақназаров Ҳ.Д. Ёшларнинг жамиятга ихтимой мослашувида маҳалланинг роли.....	115
--	-----

Исаев О.А. XX асрнинг 20-йилларида Фарғона водийсидан Сурхон воҳасига кўчиб келганлар ва маҳаллий аҳоли хотираларидан.....	118
--	-----

• IQTISODIYOT VA IJTIMOIYOT

Ҳамроев Ҳ.Р. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар борасида давлат дастури ишлаб чиқиш зарурати.....	123
--	-----

Шукурова Г.Р. Ахборот хизматларини ташкил этишда хорижий амалиёт таҳлили.....	128
---	-----

• PEDAGOGIKA

Абдуллаев Й.З., Назаров Т.Т. Ўкув масканларида чақириқача тайёргарлик моддий-техникавий базасининг айрим элементларини тайёрлаш жараёни.....	133
--	-----

Bakayev I.I., Ashurova M.B. Interaktiv kurslarni qanday yaratish lozim?.....	138
--	-----

Саҳибов А.Ҳ. Чақириқача ҳарбий таълимда ахборот – коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланишнинг педагогик омиллари.....	142
--	-----

Ахмедова Ҳ.Ш. Чет тилидарларида ўлкашунолик материалларидан фойдаланиш.....	145
---	-----

• SAN'ATSHUNOSLIK

Абдуллаев С.С., Умарова С.М. Значение и понятие орнамента в народно-прикладном искусстве Узбекистана.....	148
---	-----

• E'LON

"Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....	151-152
---	---------

Ҳамроев Ҳалим Розикович

БухДУ Иқтисодий таълим ва туризм кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди
hamraevhalim@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАР БОРАСИДА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЗАРУРАТИ

В статье рассмотрены теоретические основы государственной экономической политики по созданию свободных экономических зон и разработаны практические меры по осуществлению этой политики. Предложены меры по оптимальному районированию свободных экономических зон по республике.

In this article the theoretical foundations of state economical policy on creation of free economic zone and elaborated practical measures on realization of this policy are considered. Measures on optimal localization of free economic zones over Uzbekistan are suggested.

Мамлакатда эркин иқтисодий худуд(бундан кейин – ЭИХ)ларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциалини чукур ўрганиб, уларга кўпроқ эркинлик бериш йўли билан ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чоратадбирларини зонал сиёсат деб номласа бўлади. Ўзбекистонда Президент И.А.Каримов ташаббуси билан иккита (Хозирда 3-си "Жиззах эркин худуд"ни очиш масаласи ечилмоқда) ЭИХ ўз фаолиятини бошлаб юборди, аммо келажакда уларнинг сони, турлари ва жойлашиши бўйича давлатнинг маҳсус дастури ҳозирча ишлаб чиқилмаган. Ўзбекистон ЭИХларни ташкил этиш ва жойлаштиришнинг аниқ бир дастурига эга бўлиши ва бу дастур Ўзбекистоннинг жуда кулагай иқтисодий-географик жойида амалга ошиши, яъни планетанинг иқтисодий потенциал жиҳатдан уч гиганти - Хитой, Ҳиндистон ва Европа кесишган нўқтада жойлашган бўлиши керак. Ўзбекистонда зонал сиёсат ҳаётга кириши учун мамлакат бўйича қуидаги чора-тадбирларни биринчи навбатда амалга ошириш зарур:

1. Зонал сиёсат бўйича давлат фармони;
2. Зонал сиёсатни юритадиган давлат қўмитасини ташкил этиш, зонал бошқарув тизимини яратиш, уларнинг

хуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда компетенция доираларини белгилаб олиш;

3. Зонал қонунчиликни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, жумладан, зонал бошқариш тизими, зонал солиқка тортиш тизими, зонал божхона тизими, зонал молия ва кредит тизими, зонал паспорт, виза тизими, зонал пул ва валюта тизими, зонал меҳнат, ижтимоий муносабат ва бошқа муносабатларни тартибиға соладиган тизим;

4. Мамлакат бўйича ЭИХларни ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш ва ҳукumat томонидан тасдиқлаш. Дастурда, биринчидан, мамлакатда ташкил этиш мумкин бўлган ЭИХларнинг шаклларини аниқ белгилаб олиш керак (уларнинг қирқдан ортиқ шакли фаолият юритади, Ўзбекистон учун эркин божхона худудлари, эркин савдо худудлари, технопарклар, бизнес инкубаторларни ташкил этишдан бошлаш керак, деб ҳисоблаймиз). Иккинчидан, ЭИХларга бериладиган солик, молиявий, маъмурий ва ташкил савдо имтиёзларининг тизими ёритилган бўлиши керак. Учинчидан, ЭИХни бошқариш тизими ишлаб чиқилиши ва унинг ҳар бир бўғинига бўлган талаблар белгиланган бўлиши керак. ЭИХлар фаолиятининг самараадорлигини белгилайдиган услубиёт аниқланиб олинган бўлиши керак, яъни ЭИХда

IQTISODIYOT VA IJTIMOIYOT

фаолият юритаётганларнинг ишини қайси асосий кўрсатгичлар бўйича баҳолаш мумкинлиги белгиланган бўлиши зарур [3, 4].

ЭИХ яратища кўпгина муваффақиятли ҳамда омадсиз тажрибаларнинг бўлишлигидан қатъий назар, БМТ экспертлари бир қатор хulosаларни қилишган. Булардан бири – худудларни режалаштириш, лойиҳалаштириш, яратиш ва фаолият юритища маҳаллий ва марказий давлат органларининг ўрни ва ролини аниқ белгилаш зарурдир. Ташиббус маҳаллий органлар қўлида ҳам, марказий ҳокимият вакиллари қўлида ҳам бўлиши мумкин. Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, бунинг уччалик аҳамияти йўқ. Айrim мамлакатларда марказий давлат органлари (саноат вазирлиги, молия вазирлиги, режалаштириш қўмитаси, маҳсус бошқарма ва бошқалар) бошқаришни ўз кўлларига олганлар. Чунки, улар йирик лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ қилишда катта тажрибага эга ҳамда ташқи иқтисодий муносабатлар бобида компетентлидирлар. Шу билан бирга айrim мамлакатларда (Хитой, АҚШ, Польша, Малайзия..) ЭИХлар бутунлай маҳаллий ҳукumat қарамогида ва жуда яхши муваффақиятларга ҳам эга бўлмоқдалар. ЭИХларни бошқаришда кўпчилик мамлакатларда маҳаллий органлар томонидан маҳсус маъмурий структурапар яратилади. Бошқаларида бошқариш учун тижорат ташкипотлари жалб килинади. Лекин маҳаллий ҳукumat органлари томонидан назорат остида иш олиб борилади. Яна бир қатор мамлакатларда бошқарув вазифаси божхона, солиқ ва бошка органларга юклатилади. ЭИХларни регион даражасида бошқариш худудлар ўртасида соғлом рақобатни келтириб чиқаради. Бу эса худудлар фаолиятига ижобий таъсир қилмай кўймайди. Зонал бошқариш масаласида Хитой катта тажрибага эга бўлган давлат ҳисобланади. ЭИХ иерархияли бошқариш тизимида эмас, ўз-ўзини ташкил этиш тизимида яхши самара беради. ЭИХ маъмурий-бўйруқбозлик усулдаги бошқариш тизими пойdevoriga болта

уради, у тоталитар тизимнинг тагига сув қўяди, унинг асосларини бузиб юборади. ЭИХ ўз-ўзини тартибга солиш шароитида яхши самара беради. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг зонал бошқариш тизими буни инобатга олиши зарур. Акс ҳолда бу институт самарали ишлай олмайди. Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси регионлар, тармоқлар ва соҳалар бўйича бир хил бўла олмайди. Шунинг учун ҳам барча корхоналар, регион ҳокимиятлари, вазирликлар ва бутун мамлакат учун ҳукм билан бошқарув ва ўз-ўзини бошқаришнинг оптималь нисбати, бошқариш шакли, бошқариш таркиби бир хил бўлиши мумкин эмас. Демакки, юқоридан туриб улар учун ҳеч қандай «оптималлик» шаблони таклиф қилинмаслиги керак. Фақат бозор муносабатлари бу оптималь нисбатни кўрсатиши мумкин. Бундай оптималь нисбат, шакл, таркиби тўғри танлаб билган корхона, бирлашма, вазирлик самарали фаолият юритиши, рақобат курашида ғалаба қила олиши мумкин.

ЭИХ нисбатан автоном регионал хўжалик бирлиги сифатида, унинг ўзига хослигини ҳисобга олган маҳсус бошқариш тизимига эга бўлиши керак. У марказий ҳукumat ва регионал ҳукumat органлари билан ўзаро таъсирни ҳамда худудда жойлашган корхоналарнинг бутун комплекс хўжалик вазифаларни ҳал қилишни таъминлаши зарур.

Ўзбекистонда зонал сиёсатни олиб бориш учун Вазирлар Маҳкамасида кичик бир қўмитани ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблайман. У қўмита кўйидаги бўлимлардан иборат бўлиши керак:

- ЭИХлар учун макромухитни, шу жумладан, инвестицион мухитни такомиллаштириш бўлими;
- ЭИХлар учун микромухитни яратиш бўлими;
- ЭИХлар тажрибасини ўрганиш ва тарқатиш бўлими;
- ЭИХларни бошқариш бўлими;
- ЭИХларга тўсиқ бўлувчи унсурларни аниқлаш бўлими;
- ЭИХларни молиявий назорат, қилиш бўлими.

IQTISODIYOT VA IJTIMOIYOT

ЭИХлар тизими макро даражада самарали тартибга солиниши шарт.

Кўмита анчагина мустақилликка эга бўлиши ва марказий давлат ташкилотлари билан ЭИХ маъмуриятлари ўртасида маҳсус орган бўлиши керак. Бу орган ўз ишини маъмурий чоралар билан олиб бормаслиги ўта муҳимдир. ЭИХларни давлат томонидан тартибга солишнинг хукукий асосини ЭИХ тўғрисидаги қонун ташкил этиши керак.

Кўмитанинг вазифалари қаторига куйидагиларни киритиш мумкин:

- о ЭИХлар яратилиши бўйича чет давлат тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистон мухитида мос келишини ўрганиб чиқиш;

- о Ўзбекистонда ЭИХларни барпо этиш концепциясини ишлаб чиқиш;

- о ЭИХларнинг замонавий бизнесда, шу жумладан, кичик инновацион ишбилиармонликда кулайлигини ташвиқот қилиш ва унинг жiddийлигини тушунтириш;

- о мамлакатда қулай инвестицион мухитни шакллантириш борасида иш олиб бориш;

- о ЭИХлар учун кадрлар тайёрлаш, жумладан, етакчи хорижий мутахассисларни жалб этиш, бу борада регионларда интенсив иш олиб бориш.

Регионларда зонал сиёsatни ҳаётга татбиқ этиш учун вилоятлар хукуматида маҳсус бошқарув бўгини бўлиши мақсадга мувофиқ. Худуднинг ўзидағи маъмурий структура ҳам ташкилий жиҳатдан хилмачиллиги билан ажралиб туриши керак. Бош тамойил – инвесторлар учун ташкилий масалаларни тез ва арzon ҳал қилишнинг қулай куроли бўлиб хизмат килишдир. Марказий хукуматнинг ЭИХларни ривожлантириш дастурини амалга оширишда, хорижий инвесторлар учун кафолат механизмини яратишида, ЭИХнинг молия-кредит, божхона-валюта тизимларини яратишида давлат миёсидаги стратегияси ва тактикаси бўлиши керак. Зонал сиёsatни олиб боришида нафақат марказий, балки маҳаллий ҳокимият манфаатдорлигини ҳисобга олиш зарур. Акс ҳолда ЭИХ яратиш амалиётига қарши жуда кучли тўсиқ пайдо бўлади. Умуман олганда,

ЭИХлар яратиш маҳаллий ҳокимиятлар манфаатига зид эмас, аксинча, улар маҳаллий ҳокимиятлар учун катта имкониятларни очиб беради.

Зонал бошқаришнинг энг қуий бўғини учун Ирландия тажрибаси жуда қўл келади. «Шаннон» ЭИХининг бошқариш тажрибасига таяниб, Стивен Дъюар худуд ишини бошқариш учун ярим автоном ҳолдаги ягона ривожланиш ва маркетинг агентлигини ташкил этиш универсал чорадир, деб ҳисоблайди [2]. Бу агентликсиз потенциал инвесторлар маълум ЭИХ тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмайдилар. Бундан ташқари, агар инвестор (хорижий ёки миллий) бирор бир ЭИХ билан қизиқиб қолса, биринчи навбатда худуд берадиган имтиёзлар ҳамда куйидаги қулай, фойдали, имкониятли шарт-шароитлар тўғрисида маълумот олиши керак:

- * худудда етарли миқдорда малакали мутахассис кадрлар борлиги тўғрисида;

- * қандай турдаги кўчмас мулк сотиб олиниши ёки лизингга олиниши мумкинлиги;

- * темир йўл, магистрал автойўллар, аэропортлар ва умуман транспорт хизматлар ҳолати ва сифат даражаси, энергия билан таъминот масаласи, телекоммуникация линияларининг қайдаражада ривожланганлиги;

- * худудда фаолиятни таъминлаш бўйича қайси тур хизматларни (юридик, бухгалтерия, банк, реклама ва б.) кўрсатиш мавжудлиги;

- * хорижий ходимлар ва уларнинг оила аъзолари яшаши учун район хавфсизлиги;

- * атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг қандай қонун ва қоидалари мавжудлиги;

- * зарурий лицензия ва бошқа хужжатларни кимдан ва қандай олиш мумкинлиги;

- * фаолият юритишида қандайдир келишув (маҳаллий хукумат, ер эгаси, солиқ органлари кабилар билан) талаб қилиниши;

- * маҳаллий қонунчиликнинг ўзига хослиги ва унинг ишлаш даражаси ва б.

Жаҳон тажрибасига таяниб, шуни айтиш мумкини, ЭИХни бошқариш

органлари қуйидаги масалаларда регион иқтисодиётини тартибга солиш ҳуқуқига эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир:

➢худудда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларни антимонопол тартибга солиш тизимини шакллантириш;

➢коммунал, майший, ижтимоий транспорт хизматларига, маориф ва солиқни сақлашнинг пулли хизматларида баҳо белгилашни тартиблаш;

➢қурилаётган (реконструкция қилинаётган) корхоналарга лицензия, патент бериш;

➢корхоналарни ёпиш (руҳсат олмаган, таъкиланган маҳсулот ишлаб чиқарган, белгиланган тартибни бузган..);

➢регионал иқтисодий сиёсатни шакллантириш.

Давлат билан ЭИҲ ташкил этилган территория маъмурияти ўртасида бошқариш функциялари қуйидаги тарзда бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- давлат умумий тамойиллар ва худудни таъсис этиш шартларини белгилайди (ташкил этиш ва ликвидация қилиш қоидалари, солиқ солиш, валюта тартиби, ўзаро ҳисоб-китоб тартиби, божхона чегаралари). Бўлиши мумкин бўлган негатив оқибатларни бартараф қилишнинг иқтисодий механизмини яратади, табақалашган солик, божхона, кредит, валюта сиёсатлари, хорижий инвесторларни жалб қилишга таъсир этиш механизмини ишлаб чиқади;

- худуд маъмурияти эса ўз бўйнига тижорат таваккалани, иқтисодий мажбуриятларни олади, у ёки бу корхонани яратишнинг мақсадлилгини аниқлайди, майдоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги «нозик жойларини» бартараф этади.

- ЭИҲ фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш маҳсус давлат органи томонидан амалга оширилади. Бу орган саноат ва савдо вазирлиги (Жанубий Кореядаги каби) бўлиши ёки маҳсус ЭИҲларни бошқариш комитети (Хитойнинг Гуандун провинциясидаги каби) бўлиши мумкин. Ўзбекистонда юқорида таъкиданганидек, маҳсус зонал органни тузиш мақсадга мувофиқдир. У тўғридан-тўғри президент аппаратига бўйсунган қўмита шаклида бўлиши керак.

ЭИҲларни оптималь жойлаштириш нуқтаи назаридан Ўзбекистон майдонини шартли равишда қуйидаги беш регионга бўлиш мумкин:

1. Шимолий (Тошкент ва Сирдарё вилоятлари);

2. Шарқий (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари);

3. Марказий (Самарқанд, Жиззах, Навоий вилоятлари);

4. Фарбий (Хоразм вилояти ва Қорақалпогистон республикаси);

5. Жанубий (Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари).

Шимолий, Марказий ва Фарбий регионларда яратиладиган ЭИҲлар ўз эътиборини, асосан, Россияга (қисман Қозогистонга) қаратади. Бу регионларда ЭИҲлар яратиш учналик ҳам мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Чунки, Россияга бўлган иқтисодий тобелигимизни сақлаб қолади ва кучайтиради. Бундан ташқари, ЭИҲларни жойлаштиришнинг умумий қонуниятлари бўйича пойтакт жойлашган ва мамлакатнинг маркази бўлган регионларда ЭИҲларни ташкил этиш учналик ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди. ЭИҲ яратиш учун энг қулай жой, албатта, ташки иқтисодий алоқалар қилиш имкони бўлган ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ЭИҲларни товарларни экспорт қилиш нуқтаи назаридан юқ ташиш харажатлари анча кам бўлган чегарага яқин регионларда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Аммо бу регионларда ҳам Қозогистон билан биргаликда қўшма бизнесни рағбатлантириш мақсадида Қозогистоннинг Чимкент вилояти ҳокимияти билан келишган ҳолда, унинг чегарасида эгизак ЭИҲ яратиш мумкин. Чунки, Ўзбекистоннинг чегарадош қўшиларидан фақат Қозогистон ЭИҲлар яратиша катта тажрибага эга. Эгизак ЭИҲ яратиш орқали қўшнимизнинг ҳудудлар яратиш борасидаги тажрибасини олиш осонроқ, арzonроқ ҳамда маъқулоқ бўлади. Бу эгизак ҳудуд учун энг қулай жой эса Черняевка, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг илмий потенциали техникада ҳудудларни яратишга ҳам имкон беради. Бу борада ҳам иш олиб борса бўлади.

Шарқий регионда ЭИҲлар яратиш учналик ҳам муваффақиятли бўлмайди,

IQTISODIYOT VA IJTIMOIYOT

чунки секин-аста неоколониал мунособатларга (кудратли, ҳаддан ташқари катта мамлакат бўлган Хитойга) тушиб қолиш хавфи бор.

ЭИХни яратишда иқтисодий, ижтимоий ёки бошқа омилларни инобатга олиш зарур, аммо худуднинг терриориал потенциали учун куйидаги икки геополитик омил энг муҳим роль йўнайди:

- ташқи бозорга тез, арzon чиқа олиш имконияти;
- фаолият йўналишлари диапазонининг кенглиги.

Бу нуқтаи назардан, ЭИХлар яратишда энг оптималь регион Жанубий регион ҳисобланади. Чунки, фақат шу регион орқали келажакда энг кам харажат билан жаҳон океанига чиқиш имкони мавжуд. Бу регионда яратилган ЭИХ тадбиркорларимизга жаҳон океанига (у орқали ўз товарини арzon ва тез дунёning хоҳлаган мамлакатига) чиқиш имконини берадиган "шлюз"ларга айланади. Шунинг учун ҳам ЭИХларни, биринчи навбатда, шу регионда яратиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи «Ипак йўли – 2000» режаси бўйича Кавказорти ва Марказий Осиё мамлакатларида туризмни ривожлантиришга интилмоқда. Трасека режаси бўйича эса (Серакс – Теджен - Машҳад орқали) темир йўл транспортини ривожлантириш мўлжалланмоқда. Булар ҳам ўз навбатида Жанубий регионнинг имкониятларини оширади. Бу имкониятлардан тез ва оқилона фойдаланиш учун ҳам шу йўналишда ЭИХлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Жанубий регион вилоятлари ичida нисбатан тараққий этган, фаолият йўналишининг диапазони кенроқ, каттароқ илмий, техник, ишлаб чиқариш ва бошқа инфраструктура унсурларига эга бўлган ҳамда республиканинг бошқа вилоятлари билан тузукроқ транспорт ва бошқа коммуникация алоқалари мавжуд бўлган вилоят Бухоро вилоятидир. Демак, бу вилоятда ЭИХларни концентрация қилиш мақсадга мувофиқ вариант ҳисобланади. Дастреб ёшни 4-5та ЭИХ яратишдан бошлаш керак:

1. Ташқи савдога ихтисослашган, товарларни мамлакатга божсиз олиб киришга мўлжалланган бу каби "эрkin

божхона ҳудуди"ни Туркманистон билан чегара жойда, келажакда жаҳон океанига йўл очиш мумкин бўлган йўналишда, Бухоро вилоятининг Олот туманида (Амударё устидаги кўприкка яқин жойда) жойлаштириш энг мақсадга мувофиқдир.

2. Ўзбекистонда ҳам кўп меҳнат ва кам капитал талаб қиласидиган йигув цехлари бўлган ЭИХлар яратиш энг мақбул вариантлардан бири ҳисобланади, ЭИХни яратишда мавжуд маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга қаратилган соҳаларга ихтисослашиш ҳам мақбулдир. Эркин равишда савдони юритиш ҳамда ҳалқ истеъмолига мўлжалланган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган "эркин савдо-саноат ҳудуди"ни Бухоро вилоятидаги Фиждувон шаҳрининг марказида жойлаштириш мумкин. Фиждувонда бундай худуд стихияли тарзда шаклланиб боряпти, давлат фақат уни легаллаштириши керак.

3. Туристик хизматлар қилишга ихтисослашган "эркин туристик ҳудуд"ни Бухоро шаҳрининг марказий қисмида ташкил этиш мумкин. Экспертларнинг ҳисоблашича, туризм ривожланиши бўйича Ўзбекистон дунёning кучли йигирматалик давлатлари қаторига кира оладиган потенциалга эга экан, бу имкониятдан фойдаланиб, туризмни ривожлантириш орқали мамлакатнинг бутун иқтисодиётини кўтариш мумкин. Бухоро шаҳри эса жуда бой тарихий обидаларга эга бўлган, жаҳон миқёсидаги туризм макласига айланиш имкониятига эга бўлган шаҳарларданadir. Шунинг учун туризмга ихтисослашган ЭИХни мазкур шаҳарда дислокация қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Бизга маълумки, ҳозирги вақтда ҳалқаро меҳнат тақсимотида янги таркиб шаклланмоқда [1, 7]. Агар биз фақат бугунги кун билан яшашни хоҳламасак, келажакда ҳам Ўзбекистон асосан хом ашё ишлаб чиқарадиган давлат бўлиб қолиб кетмасин десак, фанни ва фан кўп талаб қиласидиган юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз керак. Бунинг энг синарган куроли эса техник-тадқиқот худудларини яратиш ҳисобланади. Хуллас, Ўзбекистонда ЭИХларнинг нафақат содда шаклларини, балки юқори

IQTISODIYOT VA IJTIMOIYOT

шаклларини, жумладан, технопаркларни ривожлантиришни, келажакда эса технополисларни барпо этишни ҳозирдан ўйлашимиз лозимдир. Жумладан, замонавий фан тармоқларини ривожлантиришга ихтисослашган технопаркни Бухоро шаҳрида жойлаштириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ЭИҲларнинг барпо этилиши нафақат Ўзбекистон республикаси, балки кўшни мамлакатларга ҳам нафи тегади, жумладан:

а) кўшни, Марказий Осиё мамлакатлари билан тифиз савдо

иқтисодий муносабатларига база яратилади;

б) жаҳон туристлари учун яна бир туристик марказ пайдо бўлади;

в) капитал ва товарлар учун янги бозор (аввало қўшни мамлакатлар учун) пайдо бўлади;

г) регионнинг илмий потенциалини ҳаракатга келтиради;

д) Афғонистондаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатга ижобий таъсир кўрсатувчи иқтисодий механизм пайдо бўлади.

АДАБИЁТЛАР

- Долголаптев А.В.** Вектор прорастания Российской экономики – Восточный // Ж: Внешняя торговля. 2001. - № 5-6, – С. 6-7.
- Дьюар С.** СЭЗ – возможности и ограничения // Ж: Деловой партнер. 1997. – №7.
- Леонидов Б.** Роль СЭЗ в привлечение иностранного капитала в России // Ж: Внешняя торговля. 2000. – № 5-6. – С. 50-53.
- Мозаис П.М.** СЭЗ в России // Ж: Финансовый бизнес. 2001. – № 9. – С. 54-55.

Шукрова Гулмира Рустамовна
ЎзДЖТУ катта илмий ходим-изланувчиси

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ТАҲЛИЛИ

В статье говориться о подходах по структуризации связей с общественностью и дается анализ зарубежного опыта по организации информационных служб.

The article deals with the approaches on structurization of public relations and the analysis of foreign experience on the organization of information services.

Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар ўз тарихига эга. Турли даврларда бу муносабатлар ҳар хил кўринишда бўлган. Авторитар тузумда бу муносабатлар жамият аъзоларига ўз сиёсатини ахборий зўравонлик билан сингдирган бўлса, демократик шароитда бу муносабатлар умуман бошқача кўринишда бўлади. Бошқарувда жамоатчилик билан алоқаларни қўллаш бу демократик жамиятнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Демак, давлат бошқаруви органларининг жамоатчилик билан ўзаро яқин ҳамкорлиги, фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида бевосита иштирок этиши демократик шароитдагина мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, "Хокимият тузилмаларининг демократик мазмунни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қай даражада ҳал этилганлиги билан белгиланиши маълум. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилётганлиги ҳақида маълумот олиш хукуқини англай бошлишига ва бу хукуқдан тўла фойдалана оладиган бўлишларига эришиш зарур" [1]. Бу эса давлат бошқаруви тизимида ижтимоий муносабатларни ҳал этувчи, давлат бошқарувига оид замонавий